



## «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

парламентда кўриб чиқилиши маъқулланди

### ЎзХДП ФРАКЦИЯСИДА

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахбороти эшитиб, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул кўмитани белгилади. Шу билан бирга, фракцияларга қонун лойиҳаси ва унга илова қилинган материалларни топширди.

Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисида таклифлар бериш устида ишлаш масъул кўмита ва фракциялар томонидан бир вақтнинг ўзида бошланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлисида шу билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланиши, ислохотларнинг очиллиги ва самарадорлиги таъминланишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши долзарб аҳамиятга эга. Ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари чегараларини аниқ белгилаш, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.



«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида белгиланаётган меъёрлар ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади

### Абдуманноб РАҲИМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида, энг аввало, амалдаги қонун нормалари, миллий ва халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шериклик тушунчаси, унинг субъектлари, принциплари ва асосий хусусиятларига таъриф берилган.

Яъни, «ижтимоий шериклик» тушунчаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, амалга оширишда давлат органларининг ННТ билан ўзаро ҳамкорлиги сифатида белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш бўйича устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шерикликнинг қўйидаги асосий соҳалари назарда тутилмоқда. Жумладан,

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фаоллигини ошириш, иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий йўналишлар ҳисобланяпти.

Қонун лойиҳасида давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усуллари ҳам аниқлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликни кучайтириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланмоқда.

### Назира МАТЁҚУБОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг роли кенгайиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўрни тобора чуқурлашиб бормоқда. Демак, фуқароларнинг демократик-ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида фуқаролик институтлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш талаб этилмоқда.

Бундай шароитда жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг алоҳида йўлини яратишга ҳамда самарали фаолиятини ташкил этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайло-

волди дастурида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида белгиланаётган меъёрлар ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун қабул қилишни маъқуллади.



Мажлисида қонун лойиҳаси бўйича таклифлар тайёрлаш ва уни тақдим этиш учун фракция аъзолари ва экспертлардан иборат илчи гуруҳи тузилди. Фракция қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш яқунлари билан боғлиқ фикр ва таклифларини масъул кўмитага тақдим этади.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорда соғлом болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, оиланинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муҳим масалалар акс этган.

## Соғлом она — соғлом бола

Бундай мақсадларга эришиш эса кўп жиҳатдан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишлари билан бевосита боғлиқ. Айниқса, ёш оилаларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг кундалик рўзгор юмушларини енгиллаштириш каби долзарб вазифалар ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти янада қатъият билан ишлашнинг талаб этади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Тошкент шаҳар партия кенгашида «Баркамол авлодни тарбиялашда аёлнинг ўрни» мавзусида ўтказилган семинар иштирокилари ана шу масалаларни муҳокама этишди.

— Партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муҳим вазифалар белгиланган, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Гулшан Асатова.

— Жойларда ўтказилаётган амалий тадбирларда биз биринчи навбатда давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилиши, Ҳаракат дастурида ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қарати-

шимиз керак бўлади.

— Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги кенг қўллами ишлар самарасини кундалик ҳаёти-мизда кўриб турибмиз, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева. — «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқади. Табиийки, жойларда аёлларни ўйлантираётган, қизиктираётган масалалар, муаммолар учрайди. Уларни чуқур ўрганиб, ечимини топиш бўйича партияимиз сафидаги депутат аёллар ва «Фаол аёллар» қаноти етакчилари куч ва имкониятларини бирлаштирсак, кутилган натижага эришиш мумкин.

Семинарда ҳамкор ташкилотлар билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, ўз ишини очиб истиқода юрган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида ҳам фикр алмашилди. Бу борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича аниқ таклифлар айтилди ва шулар асосида кейинги режалар белгилаб олинди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

## Партия гуруҳлари фаолияти танқидий таҳлил этилди

ва келгуси режалар белгилаб олинди

Мавжуд аҳволдан келиб чиқиб, мазкур масалалар ечими бўйича фракция ва партия гуруҳлари изчил иш олиб бориши керак. Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича муқобил таклифларимизни тайёрлашимиз зарур.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

## Ислохотларнинг бугунги босқичи

фаолиятимизни изчил кучайтириб боришни талаб этмоқда



www.uzbekistonovozi.uz

### 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



## «Ўқишда ҳам, одобда ҳам намуна»

Бухоро давлат университети талабаси Муқаддас Ширинова ҳақида устозлари ана шундай илқ гапларни айтишади.

У 2012-2013 ўқув йилида география фани бўйича олимпиаданинг мамлакат босқичида биринчи ўринни эгаллаб, имтиёзли равишда олий ўқув юртига кирди. Муқаддас интилувчанлиги ва фаоллиги билан қисқа вақт ичида университет жамоасида ҳурмат қозонди.

Айни пайтда география йўналишида илмий изла-нишларини давом этти-раётган М.Ширинова инглиз тилини ҳам пухта ўрганмоқда.

Суратда: М.Ширинова ўқитувчиси Истатой Мирзаева билан. Тохир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

### ЎзХДП фракциясининг позицияси:

Хусусийлаштиришнинг мақсади давлат мулкани имкон қадар тез муддатда бошқа шахсга сотиш бўлмаслиги керак. Аксинча, муайян объект ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ривожлантириш кафолатлари таъминланган ҳолда хусусийлаштирилиши лозим.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

Ўзбекистон — Давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтираётган дунёдаги кам сонли мамлакатлардан ҳисобланади. Яъни, давлатимиз биринчи навбатда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ижтимоий ҳимоя тамойилига асосланган сиёсат юритишга эътибор қаратиб келмоқда. Демак, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, шу орқали кутилган натижага эришиш долзарб масаладир.



«Фракциямиз мамлакатимизда давлат бюджетини режалаштириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш, ҳисоби ва назоратини юритиш, давлат молиявий тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этади ва қўллаб-қувватлайди.»

**Улугбек ҲОЖИБЕКОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.



— Ҳисоб палатасининг назорат тадбирлари доира-сида Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағғармаси, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жағғармаси, шунингдек, Йўл жағғармаси маблағлари ижросида, ижтимоий ҳимюга мухтож оилаларга нафақалар тайинлашда камчилик ва муаммолар борлиги аниқланган.

Тақлиллarga кўра, вилоятларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун бошланғич маблағни шакллантириш, колледж битирувчиларининг ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларда айрим камчиликларга йўл қўйилган. Бу ЎзХДП электорати манфаатларига алоқдор муаммолар ҳисобланади. Фракциямиз келгусидаги фаолиятда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Фракциямиз фикрича, аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар жиддий ёндашиши, айниқса, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масъулиятини ошириш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш масалалари бўйича Ҳисоб палатаси ўз назорат тадбирларини янада кучайтириши лозим, деб ҳисоблайман.

# Фракция Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботни кўриб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, партия экспертлари иштирокида муҳокама қилаётганда шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш керакки, Ҳисоб палатаси ўтган йилги фаолиятини Президентимиз Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида олиб борган.

Жумладан, Ҳисоб палатаси 2013 йилда ўз ваколатига кирадиган вазифалар билан бирга, Давлат бюджетининг республика ва маҳаллий даражадаги ижросини, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ҳамда самарали сарфланишини бюджетдан молиялаштирилувчи муассасалар миқсолида текширган. Худудлар ва тармоқлар кесимида Давлат бюджети даромадларининг тўғри шаклланиши, бюджет ижросининг тўлиқ бажариллиги таҳлил этилган, бюджет даромадларининг асосий манбалар бўйича истиқбол кўрсаткичларининг реаллигига баҳо берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кўпайтириш, харажатларини мувофиқлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижалари худудларга чиқиб ўрганилган.

**Мастура САЙФИДДИНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.



— Фракциямиз мамлакатимизда давлат бюджетини режалаштириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш, ҳисоби ва назоратини юритиш, давлат молиявий тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этади ва қўллаб-қувватлайди.

Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишлар, хусусан, иқтисодийётни барқарор тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш каби масалаларга қаратилган.

Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойлар қуриш бўйича қабул қилинган тегишли дастурлар ижросига доир молиявий масалалар ўрганилгани ЎзХДП дастурий мақсадлари ва электорати манфаатларига мос келади.

Аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар жиддий ёндашиши, айниқса, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масъулиятини ошириш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш масалалари бўйича Ҳисоб палатаси ўз назорат тадбирларини янада кучайтириши лозим, деб ҳисоблайман.



**Аҳад АҲМЕДОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Фракциямиз аъзолари муҳокама қилиш чоғида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадларига сарфланаётган Давлат бюджети маблағларининг манзилга етиб бориши, самара кўрсатишини ўрганиш, таҳлил қилиш, хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш долзарб масала эканини алоҳида қайд этиди.

# Партия гуруҳлари фаолияти танқидий таҳлил этилди

ва келгуси режалар белгилаб олинди

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

2013 йилда Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 20 масала таҳлилий ўрганилди. Шундан 10 масала доимий комиссиялар йиғилишларида кўрилган бўлса, электорат манфаатлари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ 8 та долзарб масала сессияларда муҳокама этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Наманган вилоят партия кенгашида ўтказилган семинарда ушбу йўналишдаги ишларни мунотазам равишда амалга ошириш, партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаолиятини янада ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

— Биз учун энг муҳим ишлардан бири мамлакатда япди ички махсулот ҳажмининг барқарор ўсишига эришишдир. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова.

тириш, иш ўринлари доимийлигини таъминлаш, шунингдек, давомат борасида муаммолар аниқланди.

Мавжуд аҳволдан келиб чиқиб, мазкур масалалар ечим бўйича фракция ва партия гуруҳлари иш олиб бориши керак. Колледж битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича муқобил тақлифларимизни тайёрлашимиз зарур.

— Депутат электоратни қийнаётган масалани қай даражада биледи? Унинг ечимини бўйича тақлиф беришга қодирми? Муаммони бартараф этишда дастлабки қадамни қай тарика

қўяди? ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Боймурод Юсупов ўш фикр-мулоҳазаларини ана шу саволлар билан бошлади.

— Партиянинг принципиал позициясини намоён этаётган депутат ёки партия фаоли уш аниқ кўрсатиши ва ҳимюа қилиши керак. Ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этиши, муаммонинг илдизига етиб бориши лозим. Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ана шундай муҳим масалалардан биридир.



Худудларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, иш ўринлари ташкил этиш каби масалаларда партиямиз қатъий позиция кўрсатиши керак.

Таъкидлаш лозимки, касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчи учун давлат бюджетидан катта маблағ сарфланади. Масаланинг ана шу жиҳатларини ота-оналарга ҳам тушунтириш лозим. Колледж ўқувчилари давомати ва касб-хунарни пухта эгаллашда ота-оналар маъсулиятини оширмай туриб қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

**Амалий семинарда, шунингдек, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдураҳимова, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.**

Тадбир якунида бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

**БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ**

# Биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танладик!

Жарқўргон туманидаги «Charog'on tekstil» фабрикасида меҳнат қилаётган 15 нафар ёш ЎзХДП сафига қабул қилинди.

Сурхондарё вилоятида ўтган йили умумий қиймати 121,8 миллион долларга тенг 1 минг 432 истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Натижада 66 минг 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

«Charog'on tekstil» фабрикаси ҳам ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. «Ўзбек-энерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли мазкур корхонада айни кунда 250 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Корхонада ишлаётган ЎзХДП аъзолари ташаббуси билан партиямизнинг бошланғич ташкилоти ташкил этилди. Яқинда ёшлардан яна 15 нафари партия сафига қабул қилинди. Уларга аъзолик гувоҳномаларини топширишга бағишланган тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов, вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, фаоллар иштирок этди.

— 2013 йилда туман бўйича 150 нафар киши партиямиз аъзолигига қабул қилинган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида 29 киши сафимизга қўшилди, — деди ЎзХДП Жарқўргон туман кенгаши раиси, халқ депутatlари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутatlари Алишер Маматмуродов. — Туман марказидан 28 километр олисда жойлашган мазкур корхонада меҳнат қилаётганларнинг асосий қисми партиямиз электорати ҳисобланади. Биз бу ерда бошланғич ташкилот билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, аъзоларимиз сонини кенгайтириб боришга ҳаракат қилишимиз.

— Фабриканинг умумий лойиҳа қиймати 417 минг долларни ташкил этади, — деди «Charog'on tekstil» фабрикаси ижрочи директори, БПТ етакчиси Абдувоҳид Тошбоев. — Шу йил охиригача иш икки сменда ташкил этилиб, 500 киши бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ҳозир маҳаллий бозорга махсулот етказиб бераётган бўлса, келажакда хорижга экспортни кенгайтириш мўлжалланапти.

Бугунги ёшлар жуда ташаббускор, ҳаракатчан. Улар билан ҳар қандай бунёдкор гога, йирик лойиҳани амалга ошириш мумкин. Аксарият ёшлар бизнинг партиямиз аъзоси бўлиш истагини билдирапти. Дунёқараш кенг, мамлакатимиз ва унинг атрофида, жаҳонда юз бераётган воқеалар, ўзгаришлар ҳақида ўз мустақил фикрига, нуқтаи назарига эга ёшлар булар.

— Мен мамлакатимиз мустақиллиги тенгдошиман, — деди Фйёсиддин Исмоилов. — Ўтган йили Жарқўргон иқтисо-

**Аксарият ёшлар бизнинг партиямиз аъзоси бўлиш истагини билдирапти. Дунёқараш кенг, мамлакатимиз ва унинг атрофида, жаҳонда юз бераётган воқеалар, ўзгаришлар ҳақида ўз мустақил фикрига, нуқтаи назарига эга ёшлар булар.**

диёт коллежини тугаллаб, шу ерга ишга келдим. Ўзим орзу қилгандек замонавий корхонада меҳнат қилаётганимдан жуда хурсандман.

Ёшлигимдан сиёсий партиялар фаолияти, амалга ошираётган ишларига қизиқардим. Колледжда ўқувчилик давримдаёқ ЎзХДПнинг Дастури билан танишганман. Корхонамизда бу партиянинг бошланғич ташкилоти борлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим ва дарров аъзолик учун ариза бердим.

— Партияга киришимдан олдин унинг гоёлари билан яқиндан танишдим, — деди суҳбатга қўшилиб Шоира Қурбонова. — Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимюга еттиҳиманд қатлам вакилларини ҳимюа қилиш каби вазифалар халқимизнинг тарихий қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч — ЎзХДП шундай гоёларни илгари сураётган экан, биз нафақат уни қўллаб-қувватлашимиз, балки бу ишларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этишимиз керак, деб ўйладим. Шунинг учун ҳам бу партияга аъзо бўлдим.

— Мен сиёсий партия сафига киришдан аввал ўқоқ ўйладим, — деди Севара Норқулова. — Ҳамма партияларнинг дастури билан танишиб чиқдим, уларнинг туманимиздаги фаолиятини ўргандим. Аҳолининг ижтимоий ҳимюга еттиҳиманд қатлами муаммоларини ҳал этишда ЎзХДП ҳаётий гоёларга эга эканига амин бўлдим. Бундан ташқари, бу партия сафига ёшлар юз мингдан кўп экан. Мен ҳам улар сафига бўлишга қарор қилдим.

Фабрикада меҳнат қилаётган яна кўплаб ёшлар партиямиз гоёлари, Сайловолди дастури ҳамда амалий ишлари билан қизиқмоқда. Демак, бу ердаги бошланғич партия ташкилоти ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашиб бораверади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

**БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА**

# Ёшлар қўшимча касб эгалламоқда

Наманган вилояти Уйчи тумани спорт коллежи қошидаги «Ровот» ўқув-амалиёт ишлаб чиқариш шўба корхонасида ўқувчиларга асосий мутахассисликдан ташқари қўшимча касб-хунарлар ҳам ўргатилмоқда.

— 24 миллион сўм банк кредити эвазига ўн бешта замонавий дастгоҳ келтириб, тикувчилик цехи ташкил қилганимиз. — деди корхона раҳбари Феруза Мелибоева. — Айни вақтда бу ерда касб-хунар коллежини битирган қизлар ўндан ортиқ турдаги спорт кийимлари тикаётди. Қисқа вақт ичида 30 миллион сўмлик махсулот тайёрланди. Иссиқхонада парвариланаётган лимон кўчатларидан эса бир тоннага яқин ҳосил олинди.

Корхонада ташкил этилган тикувчилик цехи, иссиқхона, гўзаллик салони, компьютер хизмати шохобчаларида йигир-

мадан зиёд иш ўрни яратилган. Спорт коллежида таҳсил олаётган етти юз нафардан зиёд ёшларга мутахассислик дипломи билан бирга, қўшимча касблардан бирини эгаллагани тўғрисидаги сертификат ҳам берилди.

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этилган 760 дан зиёд шундай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчасида ёшларга йигирмага яқин йўналиш бўйича қўшимча хунар ўргатилмоқда.

**А.САТТОРОВ,** ЎЗА мухбири.



# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



муҳтарама  
онахонлар, мунис  
опа-сингиллар ҳамда  
лобар қизларимизни

**8 МАРТ —  
ХАЛҚАРО  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
БАЙРАМИ**

**билан муборакбод этади!**

**MART**



**MUASSIS:**



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

**MANZILIMIZ:**

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va  
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 360

22072

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21.30

Topshirilgan vaqti — 02.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5